


Навбатдаги пресс-тур ташкил этилди

Навбатдаги пресс-тур ташкил этилди



Жорий йилнинг 18-декабр куни Музработ туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Сайёра Бердиева, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, мутасадди ташкилот раҳбарлари, журналист ва блоггерлар иштирокида "Музработ туманида, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва

туманда ажримларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзусида пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида туманда яшовчи нотинч оилаларни яраштириш, ажримларнинг олдини олиш бо'йича олиб борилаётган ишлар билан танишилди. Шундан со'нг туман ҳокими о'ринбосари Сайёра Бердиева бошчилигида оила муқаддас даргоҳлиги, оилавий қадриятлар, оилаларнинг ажрим ёқасига келиб қолиш сабаблари, оқибатлари, эрта турмуш ва эрта туг'руқнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ма'лумот берилиб, пресс-тур иштирокчилари ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олишди ҳамда мазкур мавзу доирасида о'зларининг таклифларини бериб ўтди.



